*Ўзбекистон — Япония:*

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Япония Бош вазирининг қароргоҳида давлатлараро ҳужжат имзоланиши жуда ноёб воқеа. Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида ҳужжатлар айнан Бош вазир қароргоҳида имзолангани Япониянинг мамлакатимизга нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир. Бу стратегик ҳамкорликдан фақат Ўзбекистон эмас, Япония ҳам манфаатдорлигини, икки томонда ҳам алоқаларни шундай юксак даражага кўтариш учун интилиш ғоят кучли эканини тасдиқлайди.

Умуман, Токиода жами ўн тўртта ҳужжат имзоланиб, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори ғоят мустаҳкамланди ва мазмунан бойиди. Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Мицубиси», «Мицуи», «Марубени», «Нише Иваи» корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Bank of Tokyo-Mytsubisi» ўртасида имтиёзли кредит борасидаги, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ва бошқа сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар, 348 миллион иенлик грант ажратилиши ҳақидаги нота ва бошқа муҳим ҳужжатларга имзо чекилди.

Ислом Каримовнинг Токиодаги Васеда университети томонидан ушбу муассасанинг ҳуқуқ фанлари бўйича фахрий доктори этиб сайлангани ҳам ғоят муҳим воқеадир. Ўзбекистон — Япония илмий муносабатлари ривожига қўшган улкан ҳиссаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош ташаббускори ва ижодкори бўлгани учун Васеда университети илмий кенгаши Ўзбекистон Президентини ана шу унвон билан тақдирлади.

Университетдаги тантанали йиғилишда Ўзбекистон Президенти Фармони билан икки мамлакат халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, илм-фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун таниқли олим ва жамоат арбоби, Васеда университети ректори Такаясу Окушима Ватанимизнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирлангани эълон қилинди. Ислом Каримов орденни топширар экан, бу ҳам Ўзбекистон — Япония дўстлигининг рамзи эканлигини таъкидлади.

Қабул қилинган ҳужжатларнинг аҳамияти ҳамда сафар чоғида Ислом Каримовнинг ҳукумат, ишбилармон ва академик доиралар вакиллари билан самарали, сермазмун, очиқ, дўстона музокаралари Президентимизнинг ташрифи юксак даражада ўтганидан далолат беради. Ташриф натижаларини сарҳисоб қилар экан, Президент Ислом Каримов уч масалани алоҳида қайд этди.

**Биринчиси,** шубҳасиз, Ўзбекистон ва Япониянинг стратегик ҳамкорлиги расман ўз тасдиғини топганидир.

**Яна бир натижа** шуки, сиёсий соҳадаги муносабатлар тамомила янги босқичга кўтарилди. Япония Либерал-демократик партияси мамлакатда қарийб 50 йилдан буён ҳукмронлик қилади. Ана шу партия ташаббуси билан парламентда «ЛДП—Ўзбекистон» дўстлик лигаси тузилган. Ислом Каримов Токиода партия етакчилари билан мулоқотда бўлди. ЛДПнинг бош қароргоҳида ўтказилган қабул маросимида кечган ушбу суҳбатлар ғоят самимий бўлиб, мезбонларнинг муносабатида чуқур эҳтиром, меҳр ва дўстлик руҳи яққол сезилиб турарди.

Ислом Каримовни Дзунъитиро Коидзуми ва император Акихито ҳам ниҳоятда самимий кутиб олди.

Император билан учрашув эса алоҳида мавзу. Таомилга биноан, император ҳеч маҳал бир давлат раҳбарини, у неча марта Японияга ташриф буюриши ва ташрифи қандай мақомда ўтишидан қатъи назар, икки марта қабул қилмайди. 1994 йилнинг майида Акихито билан учрашган Ислом Каримов бу сафар ҳам император саройида меҳмон бўлди. Яна бир гап. Япония императори камдан-кам ҳолларда меҳмонларни шахсан кутиб олиб, кузатиб қўяди. Мамлакат халқининг фахри ҳисобланган бу шахснинг Ўзбекистон раҳбарига ғоят илиқ муносабат билдириши — музокарадаги очиқлик ва самимийлиги, юртимизга хайрихоҳлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқ ўзи эҳтиром этадиган, фахрланадиган кишининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди. Демак, Япония императорининг давлатимиз раҳбарига кўрсатган эҳтироми замирида катта маъно-мазмун мужассам.

Шундай қилиб, Токиода Ўзбекистон—Япония сиёсий муносабатлари янада юксалиш палласига киргани аён бўлди. Бу албатта, мамлакатимизнинг одил сиёсати, Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг эътирофи, халқимиз ва ҳукуматимизга эҳтиромдан дарак беради.

**Ташрифнинг яна бир ўзига хос жиҳати** унинг иқтисодий музокараларга бой бўлганидир. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Япония иқтисодиётини тебратиб турган» йирик корпорациялар раҳбарлари билан алоҳида учрашувлар бўлди, ишбилармон доираларнинг нуфузли вакиллари иштирокида қабул маросими ўтказилди. Кўтаринки руҳда ўтган суҳбатлар давомида энергетика, ахборот технологиялари, тўқимачилик, кимё ва енгил саноат, коммуникация тизимларини такомиллаштириш борасида кўплаб аҳдлашувларга эришилди.

Айниқса, пахта ва ипакни қайта ишлаш саноати соҳасидаги келишувлар алоҳида эътиборга молик. Қайси мамлакатда бу соҳада тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, иш унумдорлиги оширилиб, маҳсулот сифатли бўлиши таъминланса, пахта ва пилладан келадиган даромад бир неча баробар юқори бўлади. Энди Ўзбекистоннинг ушбу соҳаларига ҳам Япония техника ва технологияси кўпроқ жорий этилиши аниқ.

Ислом Каримов Ўзбекистон Япония учун Марказий Осиёга кўприк вазифасини ўташини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда жуда кўп давлатлар қатори Япониянинг ҳам Ўзбекистон ва Марказий Осиёга муносабати тубдан ўзгарди. Сўнгги бир йил ичида эса, бутун дунё Ўзбекистонни қайтадан таниди, десак, хато бўлмайди. Бунинг сабаби кўп. Ўзбекистоннинг минтақамиздаги стратегик, жўғрофий-сиёсий аҳамияти, заҳиравий имкониятлари, иқтисодий салоҳияти муҳимлигини энди ҳеч ким инкор этолмайди.

Шундай қилиб, Ислом Каримовнинг Японияга сафари улкан натижалар билан якунланди. Таъкидланганидек, Ғарбда қудратли давлатлар билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган Ўзбекистон энди Шарқдаги етакчи давлат билан ҳам қалин шерикликни расмийлаштирди. Мамлакатимиз кунчиқар Шарқдан кунботар Ғарбгача дўстлик ва ҳамкорлик қўлини чўзмоқда. Ташриф чоғида эришилган келишувлар эса тез орада ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
*Тошкент — Токио — Тошкент*

# МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

**Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг саҳифаси**

***КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН***

## Ибрат олса арзийди

***Шаҳримиз маҳаллаларида намунали хизмат кўрсатувчи хотин-қизлар комиссиялари кўп. Айниқса Акмал Икромов туманидаги Акмал Икромов номли маҳаллада бу борада амалга оширилаётган ишларни кўриб, очиғи ҳавасимиз келди.***



Қанча жамоат ичида юрсанг, халқнинг дард-ташвиши билан яшаб, уларнинг муаммолари ечимига бош қўшсанг, шунчалик билим-тажрибанг ортаверади. Мана 32 йилдирки, Акмал Икромов маҳалласи хотин-қизлар комиссиясини меҳнат фахрийси, соғлиқни сақлаш аълочиси Фарида Йўлдошева бошқариб келмоқда. Эътиборга лойиқ томони шундаки, маҳаллада оилавий муҳитни яхшилаш, қайнона-келинлар аҳиллигини таъминлаш, эр-хотин можароларини тўғри ҳал этиб, уларни яраштириш ишларига муҳим эътибор қаратилмоқда.

— Комиссиямизнинг ўнта аъзоси бўлиб кенгашиб олиб тўй-маросимларни камхарж ўтказишни йўлга қўйдик, — дейди биз билан суҳбатда Фарида Йўлдошева, — Чарларларни йўқ қилдик. Келинларга атлас кўйлак, оқ кўйлак, шарфлар тикишни ўзимизда амалга оширяпмиз. Қиз чиқариш, келин тушириш, бешик ва суннат тўйи ва бошқа маросимларнинг ҳаммаси бир кунда ўтяпти. Бир сўз билан айтганда, бу борадаги ортиқча саъй-ҳаракат ва харажатлар қисқарди.

Маҳаллада айниқса, нотинч оилаларни яраштириш ишларига катта аҳамият берамиз. Яқинда суд ажрими чиққанидан 1,5 йил ўтгач тўртта болали оилани тиклашга эришдик. Умуман кейинги пайтларда 13 та аёлни турмуш ўртоғи билан яраштиришга муваффақ бўлдик. Маҳалламиздан узатилган қизлар қайтиб келган Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов туманидаги хонадонларга бориб ҳам уларни турмуш ўртоқлари билан яраштирдик. Яраштириш кенгаши билан бир қаторда боқувчисидан ажралган аёллар кенгаши ҳам самарали фаолият юритади. Шундай оилалардан тез-тез хабар олиб, моддий ёрдам бериб турамиз. Бундаң ташқари нотинч оилалар билан ишлаш, шикоят-аризалар, моддий ва маънавий рағбатлантириладиган оилалар, шифокорлар билан суҳбат, намунали оилалар дафтарларини йўлга қўйганмиз. Улардаги маълумотлар орқали яраштириш ишлари, уй-жой муаммолари ҳал этилади. Кўп болали, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга турли байрамлар арафасида ҳомийлар ёрдамида совға-саломлар топширилади. Аёлларни йиғиб намунали қайноналар, келинларни ибрат қилиб кўрсатамиз, улар ўз тажрибалари билан ўртоқлашишади. Маънавият ва маърифат хонасида аёлларни йиғиб мутахассислар, олимлар иштирокида тез-тез суҳбатлар ўтказиб турамиз.

Дарҳақиқат, режали иш бежоғлиқ, деганларидек маҳаллада турли-туман танловлар, мусобақалар, кўриклар тез-тез ўтказилиб турилади. Хусусан, кейинги пайтларда «Аёл ва экология», «Аёл — тадбиркор», «Намунали оила, намунали қайнона ва келин» мавзуларида мусобақалар ташкил этилди. Вазира Ибрагимова ибратли қайнона номини олди. «Ёш оналар» кўриктанловида эса Гулнора Усмонова туман миқёсида ғолиб чиқди.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Акмал Икромов маҳалласида аҳоли янгидан рўйхат қилинди. Кам таъминланган қарияларга моддий ёрдам беріляпти. Невaралари қарамоғидаги 98 ёшли Гария Зокирова ва бошқа табаррук кексаларга доимий эътибор қаратиляпти. Уларнинг барчаси 56-поликлиникада тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур дори-дармонлар бепул берилди. Ҳомийлар совғалари, маҳалладан ажратиладиган моддий ёрдам биринчи навбатда шуларга берилади. Улар барча тўловлардан озод қилинган...

Ҳамма маҳаллаларда ҳам шундай ибратомуз ишлар амалга оширилса демократик фуқаролик жамиятимиз янада ривожланарди, деган хулосага келган ҳолда Акмал Икромов маҳалласидан хуш кайфият билан қайтдик.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

**СУРАТДА: Акмал Икромов маҳалла хотин-қизлар комиссиясининг раиси Фарида Йўлдошева (ўнгдан иккинчи) фаоллар билан навбатдаги тадбир юзасидан фикрлашмоқда.**

***ТАДБИРЛАР***

## Кексалар эъзозланди

***Ҳамза тумани Янгиобод маҳалласида, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман «Маҳалла» жамғармаси ҳамда маҳалла хотин-қизлар комиссияси ҳамкорликларида ўтказилган тадбир Қарияларни қадрлаш йилига бағишланди.***

Унда маҳаллада неча йиллардан буён истиқомат қилиб келаётган пиру бадавлат нуроний, муборак 95 ёшни қаршилаган, 40 та невара, 78 та эваранинг бобоси Солижон ота Саидов ҳамда 22 та неваранинг бувижониси, 89 ёшли мунис онахон Шарофат Абдусаматовалар маҳалла аҳли томонидан эъзозланиб, ушбу тадбир ташаббускорлари ёрдамида уларга совғалар тақдим этилди.

— Қарияларга ҳурмат кўрсатиш, уларнинг ижобатли дуоларини олиш мақсадида ўтказилган тадбирдан нафақат кекса ёшдагилар, балки, барча маҳалла аҳли бирдек мамнун, — дейди ўз сўзида «Янгиобод» маҳалласи оқсоқоли Ҳурсанали Хожааҳмедов.

Шунингдек, ушбу тадбирнинг аҳамиятли ва эсда қоларли ўтишида маҳалла хотин-қизлар комиссиясияси раиси Муҳаббат Раҳимованинг ҳам ҳиссалари катта бўлди.

**Орзугул РУСТАМОВА**

***Республикамиз мустақил бўлганидан буён беқиёс ўзгаришлар юз бермоқда. Бундан ўн-ўн икки йил аввалги ҳаётимизни бугунги кунга таққослаб бўладими? Йўқ, албатта.***

## Омад ёр бўлсин, Дилдора!

Иқтидорли, қобилиятли ёшларни замонавий билимларни эгаллашлари йўлида мукаммал ўқитиш, тажриба алмашиши, қизиққан фанлари бўйича алоҳида эътибор кучайтириш борасида кўзланганидан ҳам зиёда ишлар қилинмоқда. Айниқса, спорт, адабиёт ва санъат соҳасида эришилган ютуқлар таҳсинларга сазовордир. «Умид» ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва бошқа ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ёшларимиз хориждаги етакчи олий ўқув юртларида таҳсил олиб, эгаллаган замонавий билим-малакаларини республикамиз тараққиёти йўлида сарфламоқдалар.

Давлатимиз ғамхўрлиги остида яратилаётган шундай шарт-шароитлар натижасида ёшларимиз иқтидорларининг намоён бўлишига ҳам кенг йўл очилмоқда. Бинобарин, ҳозир қайси бир маҳаллага борманг, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ўз билим-маҳоратини ошираётган кўплаб ёшларни учратасиз.

Чилонзор туманидаги «Мевазор» маҳалласи ҳудудидаги 114-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилдора Холмуҳамедовани ҳам иқтидорли ва келажаги порлоқ ёшлар сирасига киритиш мумкин. У жуда ёшликдан аъло баҳоларга ўқиш билан бир пайтда шеър ва ҳикоялар машқ қилиб келади. Бир неча йилдирки, машқлари «Тонг юлдузи» газетаси ва «Ғунча» журналида чоп этилади. 2000 йили «Эҳтиром» номли шеърий тўплами, 2001 йили эса «Сардорнинг саргузаштлари» номли ҳикоялари китоб ҳолида нашр этилган. Ижоддан, мутолаадан бўшаган вақтларини эса зардўзлик, тикувчилик, ошпазлик сир-асрорини ўрганиш билан ўтказади. У ҳамиша янги бир юмуш, ташвиш билан куймаланиб юради.

Шундан бўлса керак, тенгдошлари, синфдошлари, маҳалладошлари Дилдорани ҳурмат қилишади. Айни пайтда унга яхши тарбия берган отаси Баҳодир Холмуҳамедов, 114-мактабнинг муаллимларидан ҳамма миннатдор. Маҳалла жамоаси ҳам айни фурсатда унинг китоблари дунё юзини кўришига ўз ҳиссасини қўшганидан хурсанд.

Ўйлаймизки, Дилдорахон келажакда ижодининг янги қирраларини кашф этади.

**Шарифбой СОДИҚОВ,**
**Чилонзор туманидаги «Мевазор» маҳалласи оқсоқоли.**

# Якшанба 11

**TV**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Ғаройибот».
9.30 «Ака-ука Грим эртаклари». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20, 15.50 ТВ анонс.
11.25 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
11.55 «Кўҳна замин оҳанглари».
12.15 «Пазандалик сирлари».
12.25 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
13.25 «Соҳибжамол ва махлуқ». Мультфильм. 2-қисм.
14.35 «Қалб гавҳари».
14.55 ТВ клип.
15.05 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» - «Насаф».
15.55 «Портретга чизгилар».
16.15 Телевизион миниатюралар театри.
16.35 «Ўзбек футболи - 90 ёшда».
17.05 «Бинокор». Курувчилар кунига бағишланади.
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
17.25 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Тўртинчи ҳокимият».
18.45 «Оқ олтин». Телелоторея.
19.15 «Истиқлол нашидаси».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».
«Якшанба кинозали:
21.40 «Нақадар тотли сўз - Озодлик» рукнида «Бенхур» фильми. 2-қисм.
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR**

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
9.20 «Пуф ёлғончилар мамлакатида». Мультфильм.
9.45 Футбол плюс.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 Мусиқий лаҳзалар.
10.30 Зинама-зина.
11.00 Очил дастурхон.
11.15 Нокаут.
11.40 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1 Марду майдон, 2 Аскар мактублари.
12.20 «Нажот кемаси». Бадиий фильм.
13.50 Кўҳна оҳанглар.
14.05 Чемпион сирлари.
14.25 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.15 Оҳанрабо.
15.55 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.15 «Рамаяна». Телесериал.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»
17.20 Мультфильм.
17.40 Спорт ҳафтаномаси.
17.55 Маслаҳат.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр-news.
19.20 «Ёшлар» телеканали «Ниҳол» мукофотига номзодларни тақдим этади.
19.50, 20.40, 22.30 Эълонлар
19.55 «Бошсиз чавандоз ҳақида афсона». Бадиий фильм. 2-қисм.
20.45 Ватан ҳақида қўшиқ.
20.50 Заковат.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Жонсиз ҳудуд». Бадиий фильм.
00.15-00.20 «Хайрли тун!»

**ТТК**

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Болажонлар экрани». «Ҳумо қуши».
18.55, 20.10, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «Жаҳон географияси».
20.00 «Телефакт».
20.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)
21.20 «Ҳамшаҳарлар».
21.40 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 7-қисм.
22.40 Кинонигоҳ. «Зоя».
1.00-1.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

**4TV**

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.05 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.
11.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.45 «Парле ву франсе?»
12.10 «До-ми-соль шоу». Болалар учун дастур.
13.40-14.40 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар», «Ўзбекистон умумий уйимиз».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Бинафша».
17.00 В. Маркин иштирокидаги концерт дастури.
18.25 «Ассалом Франция!»
18.40 «Ҳинд оҳанглари».
19.00 «Автострада».
19.25 Кинематограф. «Бўса ибтидоси». Бадиий фильм.
21.00 «7 кун». Ҳафта якунлари.
21.25 «Мюзик холл».
22.00 «Кинопрофи».
22.25 Кинематограф. «Бартон Финк». Бадиий фильм.
24.00 «Таҳлилнома».
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30 канал**

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30, 17.45, 20.35 Телеҳамкор.
9.30 «Малика Сиси». Мультсериал.
10.00 Фильм - болаларга.
12.00 Оилавий кино. «Қароқчи чоллар».
13.40 «Баффи». Сериал.
14.30 Кундузги кинозал: «Олтин сфинкс».
16.10 "30-канал"да қизиқарли учрашувлар.
17.00 "Ўз ўйини". Телешоу.
18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Полиция воқеаси-2».
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.00 «Агентлик». Сериал.
21.00 «Уни Никита деб атардилар». Сериал.
21.55 Якшанба кинооқшоми: «Бажариб бўлмайдиган вазифа-2».
23.30 "Доринома". Сериал.
24.00 Спорт шарҳи.

**1**

6.05 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли сериал.
7.00 Янгиликлар.
7.10 Кўшин дўкони.
7.40 «Тимон ва Пумба». Дисней-клуб.
8.05 «Ит иши». Саргузашт сериал.
9.00 Янгиликлар.
9.10 «Қайд этилмаган ёзувлар».
9.30 Ҳамма уйдалигида.
10.05 «Белгили атом». Бадиий фильм.
12.00 «Бўрон». Унутилган ғалабалар сири.
12.30 Дисней-клуб: «Микки Маус ва унинг дўстлари».
13.00 Янгиликлар (субтирлар билан).
13.10 Жонли табиат.
14.10 «Қочоқ». Сериал.
15.00 «Катта ота-оналар».
15.30 «Ўзим биламан». Ҳажвий дастур.
16.00 «Кинг-Конг тирик». Бадиий фильм.
17.55 «Йиртқич-2». Триллер.
20.00 Время.
20.30 «Конан-бузувчи». Жангари фильм.
22.25 «Бартон Финк». Комедия.

**РТР**

4.30 «Бахтли омадсиз». Бадиий фильм.
5.55 «Ҳайвонлар ҳукмдори». Сергузашт сериал.
6.50 Рус лотоси.
7.40 «ТВ-бинго-шоу».
8.10 «Гўзаллик қироличаси, ёки ўта оғир болалик». Комедия сериал.
8.35 «Ўз-ўзига режиссёр».
9.35 «Шаҳарча».
10.05 «Дала-ҳовли». Комедия.
12.00 Хабарлар.
12.20 Н. Бабкина ва «Русская песня» гуруҳи «25 йил дўстлар даврасида» концерт дастурида.
14.10 Ҳайвонлар ҳақида суҳбатлар.
15.10 «Кулги хонаси». Ҳажвий дастур.
16.10 «Дўндиқчалар». Бадиий фильм.
18.00 Хабарлари.
18.25 «Аншлаг».
19.30 «Кўпорувчилик». Ўткир сюжетли фильм.
21.35 Енгил атлетика. Европа чемпионати.
22.55 «Спорт ҳафта ичида».
23.30 «Твин Пикс» сериали.

**НТВ**

5.40 «Номаълум сайёра». Сериал.
6.35 «Стартга!». Шоу.
7.00 «Бугун».
7.15 «Мазали тарихлар».
7.25 «Максимнинг ўсмирлиги». Бадиий фильм.
9.00 Бугун.
9.15 «Золушка ови». Сериал. 9-қисм.
10.25 «Ўсимликлар ҳаёти».
11.00 Бугун.
11.20 «Жавоб юриш». Бадиий фильм.
13.05 Мазали тарихлар.
13.25 «Қутқарув хизмати».
14.05 «Ўз ўйини».
15.00 Бугун.
15.25 «Домино» принципи». Ток-шоу.
16.30 «Юзлаштириш».
17.00 «Е. Степаненко шоуси».
18.00 «Бугун».
18.25 «Бир-бирига мос жуфтлик». Сериал.
19.30 «Роҳиб-2. Шао-Линга қайтиш». Жангари фильм.
21.25 «Карлито йўли». Криминал фильм.
0.05 Пепси-чарт.

**ТВ3**

9.00 «Сўзда ҳаёт». Диний кўрсатув.
9.30 «Қизилларга мактублар» бадиий фильми.
11.30 «Туғишганлар айби». Бадиий фильм.
13.15 Саломатлик формуласи.
13.30 «Озод этиш» бадиий фильми.
15.30 «Аэробосс-3. Қасос». Бадиий фильм.
18.00 «Кириш ва чиқиш». Бадиий фильм.
20.00 «Шубҳа остида». Бадиий фильм.
22.30 «Кўрқув нидоси». Бадиий фильм.
0.00 Китобхонлар.
0.30 «Акулалар-2». Бадиий фильм.

**REN TV**

9.15 Тофик уйида.
9.30 «Жосус итларнинг махфий ҳужжатлари». Мультсериал.
10.00 «Маҳлуқ фермаси». Мультсериал.
10.30 «Сув париси». Мультсериал.
11.00 «Гриффинлар». Мультсериал.
12.00 Сахий лаҳза.
12.45 «1/52». Спорт шарҳи.
13.00 «Икс мутантлари». Телесериал.
14.00 Ҳарбий сир.
14.30 «24». Ахборот дастури.
14.45 «Ўлимимда Клава К.ни айблашингизни сўрайман». Бадиий фильм.
16.15 «24». Ахборот дастури.
16.30 «Гувоҳ».
17.10 «Агентлик». Комедия сериали.
18.00 «Жосус итларнинг махфий ҳужжатлари». Мультсериал.
18.30 «Маҳлуқ фермаси». Мультсериал.
19.00 «Буюк Мерлин». Оилавий кино.
20.30 «Москвалик жазман». Бадиий фильм.
22.10 «Ўта эҳтиёткорлик». Саргузашт фильм.
0.25 «24». Ахборот дастури.
0.40 «Уни Никита деб аташарди» сериали.
1.40 Тунги мусиқий канал.

**ТНТ**

7.00 «Биринчи тўлқин». Сериал.
8.00 Аёллар ҳаётидан.
8.30 «Рэдволл» мультсериали.
9.00 «Ёввойи Кэт». Ўсмирлар учун сериал.
9.30 «Ғаройиб жонзотлар».
10.00 «Шахсий қурол». Детектив.
12.00 «Эҳтирослар». Ток-шоу.
13.00 «... билан учрашув». И. Демарин.
14.00 Кино мўъжизалари.
14.30 «Боб ва Маргарет». Катталар учун мультсериал.
15.00 «Ғаройиб жонзотлар».
15.30 «Ёввойи Кэт». Ўсмирлар учун сериал.
16.00 «Сеҳрли мактаб автобуси». Мультсериал.
16.30 «Рэдволл» мультсериали.
17.00 «Биринчи тўлқин» сериали.
18.00 «Аросатдаги таътил». Мелодрама.
20.20 Мультфильм. «Мушук Юлийнинг саргузаштлари».
20.30 «Ўйлаб топилмаган тарихлар».
21.00 «Сеҳрли мактаб автобуси». Мультсериал.
21.30 «Бир кун кечкурун». Дам олиш шоуси.
22.35 «Боб ва Маргарет». Катталар учун мультсериал.
23.10 «Хавфли махлуқлар». Даҳшатлар фильми.
1.15 «Ўйлаб топилмаган тарихлар».
1.40 «Кино мўъжизалари». Ҳужжатли сериал.
2.05 «Эҳтирослар». Ток-шоу.

**ТВЦ**

7.10 «Ҳамма вақт Москва». Ҳужжатли сериал.
8.40 «Болалар ҳайвонларни қутқармоқда». Телесериал.
9.00 «Нимадан? Нимага?» Болалар учун дастур.
10.00 Мультпарад.
10.45 Мусиқий серпантин.
11.15 Боғимиз.
11.35 Мазали қисм.
12.00 Москва ҳафтаси.
12.15 Автопойга юлдузи.
12.30 «Ўлим ҳалқасида». Бадиий фильм.
14.00 «Соғлом авлод XXI». Миллий мукофот топшириш маросими.
15.00 Воқеалар. Москва вақти.
15.15 «21-хона» дастурида саломатлик ҳақида.
15.55 «Борис Ноткин таклиф этади».
16.25 «Орзуимдаги қиз». Бадиий фильм.
16.50 Мультфильм. «Болалик альбоми».
17.15 Мультпарад.
18.05 Ралли устаси-2002.
18.20 Буюк хаёл.
19.00 «Инглизча қотиллик». Телесериал.
21.00 «Ҳақиқат лаҳзаси».
22.00 «Паспорт». Бадиий фильм.
0.00 Воқеалар. Москва вақти.
0.10 Ралли устаси-2002.
0.25 «Тансиқ таомлар».
0.55 «Деворлар тилга кирганда эди...». Бадиий фильм.

# Самарали ҳамкорлик

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман Кенгаши фаоллари тумандаги «Навбаҳор» маҳалласида бўлиб, ёшлар ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Бу ерда ёшлар учун қўлдан келганча шароит яратилиб берилганига амин бўлдилар. Умуман шуни айтиш керакки, кейинги пайтларда туман маҳаллаларидаги болалар майдончалари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ташаббуси билан таъмирдан чиқарилди. Бу каби ишларни амлага оширишда маҳаллалардаги ширкатлар раҳбарлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Хусусан, «Навбаҳор» маҳалласида «Тўлқин ота» ширкати билан ҳамкорликда ҳаракат Кенгаши болалар учун спорт майдончасини бунёд этди. Ҳозир майдончада болалар ёз гаштини суришмоқда.

Ҳаракатнинг фаолиятини жойларда янада оммалаштириш мақсадида тумандаги «Уйғониш» маҳалласи ҳудудидаги 29-кўп қаватли уй ҳовлисида «Ҳалол сервис» ширкати билан ҳамкорликда ҳашар йўли билан бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, болалар учун спорт майдончаси ҳамда ёшларнинг ёз ойларида бўш вақтларини унумли ўтказишини таъминлаш мақсадида спорт зали таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

«Ҳалол сервис» ширкати раҳбари Б. Раҳмонқулов ўз ҳудудида жойлашган маҳалла аҳолиси билан биргаликда камчиликларнинг олдини олиб, маҳалланинг гуллабяшнашига катта ҳисса қўшмоқда.

«Ҳалол сервис» ширкатининг асосий мақсади маҳалла аҳолисига қулайликлар яратишдир. Бу ишларнинг барчасида ширкат ходимлари маҳалла қарияларининг маслаҳатига таяниб иш юритиши ҳамиша қўл келмоқда.

**Дилноза МЎМИНОВА**


## Азиз ўқувчилар ва ҳамшаҳарлар!

***Халқаро ва хусусий савдо, тижорат, умумий овқатланиш шохобчалари, қўшма ва шахсий ресторанларда, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ албатта махсус тайёргарликдан ўтган бўлишлари ҳамда бу ҳақда маълум ҳужжатга эга бўлишлари шарт***

**Сизлар учун!**

8-Бизнес мактаби (***режалаштирилаётган номи Ўзбекистон Республикаси Менежмент ва технология коллежи***) қуйидаги йўналишлар бўйича 2002-2003 ўқув йили учун қабул (***20 августгача***) эълон қилади:

**1. Умумий овқатланиш** (*ошпазлик — европача ва шарқона таомлар, қандолатлар, нон ва нон маҳсулотлари технологияси*)

**2. Ресторан иши** (*буфетлар, барлар ишини ташкил қилиш ва хизмат кўрсатиш: метродотель, официант*)

**3. Савдо** (*озиқ-овқат, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини ташкил этиш, ташқи савдо: қўшма тижорат корхоналари, фирмалар маркетинги*)

**4. Бухгалтерия ҳисоби** (*барча тармоқларда замонавий халқаро бухгалтерия ҳисобини юритиш асослари*)

**Ўқиш муддати:** (*кундузги бўлимда*)
9-синф негизида 3 йил (*бюджет асосида*)
11-синф негизида 1 йил (*шартнома асосида*)
**(сиртқи бўлим):** 11-синф негизида 2 йил (*шартнома асосида*)

**МАЛАКА ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИДА**

Халқаро иқтисодий муносабатлар; жаҳон иқтисодиёти; халқаро молия ва банк иши; Кредит ва Халқаро валюта кредит муносабатлари; Халқаро ҳуқуқ асослари қисқа муддатли курслари билан бир қаторда юқоридаги соҳаларда хизмат қилиб келаётганлар ва ўз ишини янги бошловчилар учун **1, 2, 3 ойлик пуллик тайёрлов курслари ташкил этилмоқда, ўқиш якуни бўйича ТЕСТ АСОСИДА тегишли тартибда белгиланган намунадаги СЕРТИФИКАТ** берилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд Дарвоза кўчаси, 60.
Тел: 78-82-69

**СИЗНИ КУТАМИЗ!**


## ҚУТЛАЙМИЗ!

### Қадрли Нарзуллажон Ҳамроев!

*Сизни бугунги шодиёна кунингиз — таваллудингизнинг 38-баҳори билан чин қалбдан табриклаймиз. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси газета цехининг жонкуяри, камтар ва самимий инсон бўлган Сизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда катта зафарлар тилаймиз.*

***Ҳамкасбларингиз***

Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси маъмурияти «Учоқли» дезинфекция бўлими мудираси Рита Зокировна Шириеваға онаси **Гадельниса ГАДЕЛЬШИНАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# Сўранг, жавоб берамиз

**Қандай кишилар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинадилар?**

**У. Ашурова**

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилади.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онадан (уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳал қилади. Агар суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишларни кўришда ота-она (улардан бири)нинг ҳаракатида жиноят аломатлари мавжудлигини аниқласа, бу ҳақда прокурорга хабар бериши шарт.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин уч кун ичида ушбу қарорнинг кўчирмасини боланинг туғилганлиги давлат томонидан рўйхатга олинган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

* * *

**Никоҳ қай ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади?**

**М. Эргашева**

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қароридан нусха берилаётганда паспортга ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатга тегишли белги қўйилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ўн кун ичида ундан кўчирма никоҳ туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилади.

* * *

**Мақбул келадиган иш деганда қандай иш тушунилади?**

**Ҳ. Хошимов**

Мақбул келадиган иш тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида ва Аҳолининг бандлиги ҳақидаги қонунда тўлиқ берилган. Жумладан, Меҳнат Кодексида қуйидагича: биринчи марта иш қидираётган, касби (мутахассислиги) бўлмаган шахслар учун дастлабки тайёргарликни талаб қилмайдиган иш, бундай иш бўлмаган тақдирда эса, уларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўланадиган бошқа иш, шу жумладан вақтинчалик иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланади.

Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун уларнинг касб тайёргарлигига мос бўлган, ёшини, соғлиғи ҳолатини, меҳнат стажини ва аввалги мутахассислиги бўйича тажрибасини, янги иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини инобатга олувчи иш мақбул келадиган иш ҳисобланади.

* * *

**Қизимнинг икки фарзанди бор. Ўзи ва эри ҳеч жойда ишламайди. Болаларидан бири 2 ёшга тўлмаган. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи қизимга боласи учун болалар нафақасини бермаяпти. Ахир қизимнинг буни олишга ҳаққи бор-ку!**

**Ф. Ҳасанова**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январь «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича ойлик нафақаларини тайинлашда, оиланинг мазкур нафақага муҳтожлигини ҳисобга олган ҳолда беради (тайинлайди).

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

## Севинч ёшлари

Оилада тотувлик, севги ва вафо, меҳр-муҳаббат бўлса, ҳар қандай мушкулотнинг чорасини топиш ва енгиб ўтиш мумкин экан. Бунга мен бир воқеа туфайли янада ишонч ҳосил қилдим.

Аброржон ён қўшнимиз. У институтда домлалик қилади. Хотини Ибохон мактабда ўқитувчи. Бу ибратли оилада икки ўғил, икки қиз тарбияланиб вояга етди. Ҳозирда уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, оилали. Ҳаёт йўли бир текис бўлмаганидек, кундалик турмушда ҳам ҳар хил қувончли, ташвишли ҳодисалар учраб тураркан.

Тўсатдан оила бошига оғир кулфат тушди. Соппа-соғ юриб турган Ибохоннинг бир кечада қўл-оёғи ишламай қолди. Хонадонга тез етиб келган «Тез ёрдам» шифокори касаллик сабабини тўла аниқлаб берди. Инсульт. Зудлик билан касалхонага ётқизиш керак.

Ўша кундан бошлаб Аброржоннинг тинчи бузилди. У эртаю кеч аёли олдида қолиб кетди. Олдин фарзандлар тўпланиб, бир қарорга келишди. Оналари олдида бир кундан навбатма-навбат ўтириб чиқадиган бўлишди.

— Қариганда отамизнинг бир ўзини касалхонада, эртаю кеч оғир бемор олдида ёлғиз ташлаб қўйиш инсофдан эмас, — дейишди улар.

Ўғил-қизлар фикрига Аброржон қўнмади.

— Болаларим, раҳмат, лекин сизлар ёшсизлар. Оилангиз бор. Қолаверса, ишдан қолиб кетасизлар. Ҳозир мен ёзги таътилдаман. Вақтим бемалол. Шунинг учун ўзим қарайман онангизга.

Фарзандлар отанинг бу фикрига ночор кўнишди. Орадан бир ой ўтиб, шифокорларнинг сурункали муолажасими ёки болаларининг бахтими, эрининг меҳрибонлиги, юракка таскин берувчи ширин сўзларининг таъсирими, ҳарқалай Ибохон кўзини очди. Касаллик инжиқлик билан бўлса-да аста чекина бошлади.

Бу сафар қариндош-уруғлар ўртага тушди.

— Ибохон бизнинг ҳам жигаримиз. Шундай экан, биз ҳам ҳеч бўлмаса бир кун-бир кундан туриб берайлик унинг олдида. Сиз бироз дам олинг, — дейишди Аброржонга.

— Йўқ, — деди Аброржон уларга миннатдорчилик билдириб, — у менинг турмуш йўлдошим, ёстиқдошим, ўттиз йиллик суҳбатдошим, дардкашим. Шундай пайтда ундан узоқлашсам бўлмайди, кўнгли ўксийди. Хотиржам бўлаверинглар, унга ўзим қарайман.

Шифокорлар дастлаб Ибохонга бироз ўтириш учун рухсат беришди. Аброржон итоаткорлик ва эҳтиётkорлик билан уларнинг барча айтганларини бекаму-кўст бажарди. Хотинининг бутунлай соғайиб кетишига ишонди.

— Сизни ҳам қийнаб юбордим, — деди Ибохон эрининг кечалари мижжа қоқмай, унинг иссиқ-совуғидан зийраклик билан хабардор бўлиб бошида ўтирганидан эзилиб.

— Ундай дема, онаси, эшитмаганмисан «Эр-хотин — қўш ҳўкиз» деганларини, — деди ҳазил аралаш кулиб Аброржон. — Шундай экан, аравани баровар тортишимиз керак-да.

— Мен тортмай қолай. Ҳамма оғирлик ўзингизга тушяпти-ку.

— Яхши эркак шунақа, аёлига ҳамиша енгил бўлишини кўзлайди.

— Вой, адаси, қўйинг... — кўзи ёшланди Ибохонни.
— Сизга жабр бўлди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳали кўрмагандек бўлиб кетамиз. Кейин сен билан узоқ-узоқларга дам олгани борамиз.

— Айтганингиз келсин, адаси...

Орадан маълум муддат ўтиб шифокорлар Ибохоннинг оёққа туришига рухсат бердилар. Улар:

— Ҳар куни секинлик билан бир маҳал хонани айлантирасиз, — деб тайинлашди Аброржонга.

Хона айланишдан бошланган юриш машқи борабора йўлакда давом этди. Кейин ташқарига чиқди.

Ибохон ва Аброржонларнинг тарихи бутун шифохонага ёйилди. Уйга қайтадиган кунлари уларни деярли ярим касалхона аҳли кузатди.

Эр-хотиннинг кўзида севинч ёшлари йилтиллади.

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## Чипта ямоқ

Сайилгоҳ кўчасининг таърифи кетган. Мана неча йиллардирки, у ҳамшаҳарларимизнинг чинакам дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган масканига айланган.

Тунов куни кечки пайт биз ҳам оиламиз билан шу кўчага сайру саёҳатга чиқдик. Ҳуқуқшунослар тайёрловчи институт бўсағасида машинадан тушиб кўча бўйлаб юра бошладик. Диққатимизни кўчанинг икки четига батартиб териб қўйилган, бир-биридан чиройли расмлар галереяси ўзига тортди. Уларни бирма-бир кузатиб бораётиб, Адлия вазирлиги рўпарасида панжара билан тўсилган майдонга дуч келдик.

— Нима, у томонга йўл йўқми? — сўраймиз ёнимизда бораётган ўрта ёшли кишидан.

— Йўл-ку очиқ, лекин унинг бир чеккаси қайта таъмирланяпти.

— Билишимча, ўтган бир йил орасида бу жой тўрт марта таъмирланди. Энди иш тугар, йўл созлангани-дан кейин бир ой ўтиб у яна чўкади. Кейин уни текислаш учун машина-машина тупроқ, қум аралаш шағал туширилади. Уч-тўрт кун йўлсозлар уни текислашади. Кейин уларнинг ўрнига кўчага манзарали ғишт терувчилар келишади. Ҳафталаб ғиштни кўчага текислаб жойлаштиришади. Орадан кўп ўтмай аҳвол яна ўша-ўша, — деди йўловчилардан бири.

— Баъзан ҳайрон қоласан киши, — дея суҳбатга қўшилди яна бир аёл. — Шундай баҳайбат иморатларни қуришга қодир бўлган ғишт терувчи бунёдкорлар нахотки нари борса узунлиги 10 метр, эни 4 метрлик жойни бирйўла эпақага келтиришолмайди?!.

— Техника тараққий этган даврда бунинг учун ҳеч қандай баҳонага ўрин йўқ. Назаримда бу ҳаммаси «мендан кетгунча эгасига етгунча» қабилида қилинган ишнинг оқибати, — деди ҳамшаҳарларимиздан яна бири.

Биз ҳам шу фикрга жуда-жуда қўшилгимиз келди. Лекин нима бўлганда ҳам шундай гўзал масканга чипта ямоқ бўлиб турган бу жой қачонгача мана шундай ўзибўларчилик оқибатида кўзга хунук бўлиб турар экан?

## «Тепкилаб киясиз»

«Чорсу» буюм бозоридан сотиб олган мавсумий пойабзалимизни икки ҳафта ўтар-ўтмас таглиги қоқ ўртасида бўлиниб кетди. Ташлаб юбориш увол. Ҳали деярли янги, қолаверса пули куйган калампирни аччиқ чайнайди.

Кўп ўйлаб ўтирмай «Чорсу» буюм бозори яқинидан ўрин олган пойабзал усталаридан бирига мурожаат қилдик.

— Боплаймиз, ака, иккаласини таглигини янгилаймиз, — деди у пойабзални у ер, бу ерини қўздан кечириб. — Хизмат ҳақи 2500 сўм бўлади.

— Мунча қиммат. Ахир бу пулга янги пойабзал сотиб олса бўлади-ку.

— Бозор иқтисоди... Таглик қиммат.

Хуллас, талашиб-тортишиб 2000 сўм беришга келишдик.

— Бир соатдан кейин келасиз, — деди уста.

Орадан икки соат ўтказиб келдик. Устаси тушмагур энди пойбзалимизни қўлига олган экан.

— Пишиқ бўлсин деб шошилмай тикяпман-да. Ўтириб туринг, — деди у олдидаги шалоғи чиққан ўтиргичга ишора қилиб.

Яна орадан бир соатлар чамаси ўтиб пойабзалимиз қўлимизга тегди. Ҳисоб-китоб қилиб жўнадик. Уни бир ойлар чамаси «тепкилаб кийдик» шекилли. Бир куни пойабзални тозалай туриб, унинг уч томони ситилиб кетганига кўзимиз тушди. Қўнғилхиралик билан яна пойабзални уч-тўрт кун кийиб юрдик. Борган сари йиртиқ жойи катталашиб борди. Кейин кийишга бутунлай ярамай қолди. Энди нима қилишга ҳайронмиз. Янгисини сотиб олсакмикан ёки яна устага мурожаат қилсакмикан?

### САЛОМАТЛИК

# Аҳдимиз қатъий бўлса...

**Биз атрофга қараб туриб бўлаётган воқеаларга бефарқ бўламиз. Ҳали ҳаёт нималигини билмайдиган фарзандларимизни савдо дўконларидан сигарета харид қилишга юборамиз. Билмаймизки, ҳар нарсага қизиқувчан ҳаётимиз давомчисини кашандалик сари олға етаклаётганимизни. Афсуски, лобар қизлар ва ақли расо йигитларнинг қўлидаги сигареталарга кўзимиз тушади-ю уларнинг дилини ватан туйғуси каби тушунчалар эмас, балки унинг ўрнини кашандалик қайғуси эгаллаб олмасмикан, деган ноаниқ ўйлар ҳайратга солади.**

Эркаклар чекиши фалокат. Аёлларнинг чекиши эса бундан ҳам ёмон. Чекувчи аёл икки кишининг ҳаётига зомин бўлади.

Сўнгги йилларга келиб, фан оламида ҳомиладорлик, туғруқ, болалар касалликлари билан оналарнинг чекиши ўртасида бевосита алоқа борлигини исботловчи клиник ва экспериментал тадқиқотларга асосланган бир қатор фикрлар ўз исботини топди. Эдинбург университети ходимлари олиб борган тадқиқот ишлари кашандаларда хотиранинг сусайиши, бир қатор юрак-қон томир ва ўпка касалликлари ривожланишини кўрсатган.

Тамакининг инсон бошига соладиган кулфатлари беҳисоб. Тамаки инсон саломатлигини издан чиқаради оғудир. Чекилаётган сигаретадан 400 га яқин турли бирикмалар, жумладан рак касаллигини пайдо қилувчи моддалар ажралади. Тамаки тутуни таркибида нитробензол, ацетон, водород сульфид, ахромин, ацетал алдегид, изопрен, аммоний водород, циан, карбонат ангидрид ва ис гази бўлади.

Чекиш туфайли юқори нафас йўллари зарарланади. Бунинг натижасида ҳавони тозалаб берувчи нафас йўлларининг киприкчалари ўз вазифасини бажариш қобилияти сусаяди. Чекадиган инсонларда юқори нафас йўлларининг ўткир яллиғланишлари кўпроқ учрайди ва касаллик узоқ чўзилиб, ўзидан оғир асоратлар қолдиради. Кашандалик асаб тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Мия токсик (заҳарли) қўзғалишга ўрганиб, маълум давр ўтгандан сўнг никотинни талаб қилишга ўрганиб қолади. Асаб ҳужайралари қўзғайвериши оқибатида кашанданинг боши оғрийди, айланади, салга жаҳли чиқади, тез чарчайди ва иш қобилияти пасаяди, қўллардa қалтираш каби аломатлар пайдо бўлади. Никотин таъсирида бош мия томирлари сиқилади, натижада мия етарли даражада кислород билан таъминланмайди.

Ҳозирги кунга келиб, дунё бўйича юрак қон-томир тизими касалликлари билан шикоят қилган беморларнинг 74 фоизини кашандалар ташкил этади.

Чекувчиларнинг яна бир нохуш томони атроф-муҳитни заҳарли тамаки тутунига тўлдириб, оила аъзоларини, ҳамкасбларини заҳарлайди. Бир дона сигарета тутунини кетказиш учун хона ҳавосини 60-70 марта алмаштириш керак бўлади. Чекиш фақатгина соғлиққа таъсир қилибгина қолмай, у кўпчиликка моддий зиён ҳам етказади.

Агарда сиз чекаётган бўлсангиз:

— қачон чекиш хумори тутиб қолса, ҳар гал икки-уч марта чуқур нафас олинг, писта, бодом ёки данак мағзи, майиз истеъмол қилинг;

— чекишни ҳар икки кунда бир донадан камайтириб боринг;

— ўзингизга ёқадиган спорт тури билан шуғулланинг;

— руҳшунос сеансларига қатнашинг;

— ухлаш тартибига риоя қилинг,

шунда сиз бу балодан фориғ бўласиз.

Сиз ҳақиқатан ҳам ўз соғлиғингизни сақлаб қолишни истаб, тамаки чекишдан воз кечмоқчи экансиз — ирода кучингиз қанчалик мустаҳкам эканлигини бир синаб кўринг. Сизга омад ёр бўлсин!

**Нуриддин ТОШБОЕВ,**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги Саломатлик институтининг услубиётчи врачи.**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Иззат-ҳурмат ота ва онани, шунингдек болаларни ҳам қўриқлаб турувчи посбондир; у ота-онани кулфат ва ғамдан, болаларни эса виждон азобидан қутқаради.

● Сиз ота-онангиз билан қандай муомалада бўлсангиз болаларингиз ҳам сиз билан шундай муомала қилишини ёдда тутинг.

● Фарзанд ота-она учун жондир. Бордию у ноқобил бўлса озори жондир.

● Ёмон фарзанд ота-она учун бадандаги ортиқча бармоқ, кесиб ташласа оғрийди, тек қўйса айб саналади.

**Ҳикоят:** кунлардан бир кун денгиз остида бир қора тош гавҳар билан мунозара қилишга киришди ва мақтаниб деди: — Дарё биз билан ҳаёт, денгиз биз билан тўлаю шитобдир. Ўзим мушкин ранглиман, қошлар қорасига ўхшайман. Офтоб талъат гўзаллар юзидаги қора ҳол ҳам менинг рангим каби қора, кўзларининг қорачиғи эса рангим каби сара, ҳинд паризодларига кўз қисаман. Яшил либосларга қора нуқта бўламан. Сен эса оқ ранглисан, менинг олдимда рангинг бир пулдир.

Шу пайтда уларнинг олдига сузиб келган балиқ тошнинг барча гапларини эшитди, унинг гавҳарга юраги эзилди. Хасрат тикони оёғига қадалиб деди:

— Эй гавҳар, шунчалик қадр-қийматинг бўла туриб, нега тошга жавоб айтмайсан, уни лол қилмайсан?

Гавҳар деди:

— Эй балиқ, қўявер, ҳакимлар сўзини эшитмаганмисан, улар шундай дейишади:

***Бор эканки қуёш нури оламда,***
***Қуёшга мақтовдир, у нур ҳар дамда.***
***Кимки ёмон деса қуёшни агар,***
***Ўзи учун ёмонлик тилар.***

Агар бу қора юзли худбинлик лофини урса ҳам, уни ҳеч ким қадрламайди, мен гарчи мақтанмасам ҳам, ҳамма менинг ёрқинлигимни билади. Нуқта агар қуёшга доғ бўламан деса, бу унинг нодонлигидир. Бир улуғ кишидан: «Одам қачон ёмон бўла бошлайди, деб сўрадилар. У: «Ўзини яхши деб тасаввур қила бошлаганда» деб жавоб берди.

**Байт:**

***Ақлли одамларга камтарлик муносибдир,***
***Ўқ осмонга чиқса ҳам қайтиб ерга***
***тушадир.***

Шу пайт тепадан гавҳар қидирувчи ғаввос келиб қолди. Гавҳар билан тошни олиб тепага чиқди. Оқ-қорани танувчи саррофлар дурдона гавҳарни ўраб-чирмаб қўйдилар, тошни эса ерга урдилар. Шунда гавҳар тошга деди:

— Эй тош, қани боягина ураётган лофқофинг?

Тош унга:

— Гавҳари пок билан ифлос ҳоқ қачон тенг бўлсин, — деб афсус чекди.

Эй азизим, қобил фарзанд ота-она учун гавҳардек пок бўлса, ноқобил фарзанд улар бўйнидан бўғиб турувчи илондир.

**Байт:**

***Инсонсан, сен учун одоб керакдир,***
***Йўқса барча сендан озору безор.***
***Ноқобил ҳар фарзанд бошгадир кулфат,***
***Ота-она ундан бир умрга хор.***

● Кимки бировларга ситам қилаверса, ўзи ҳам узоқ яшамайди. Бировга ситам қилган бўлса ёки сен бировга яхшилик қилган бўлсанг, ҳар иккаловини ҳам унут.

Муродингга етган вақтларингда ҳанда уриб кулмаки, атрофда турганларга ҳунук кўринади. Агар иш аксинча бўлса, ғамгинлигингни бировга билдирма.

● Эй фарзанд, нафс куйига кириб, керагидан ортиқ молу мулк топишга интилма. Ўзингни элу юрт олдида шарманда қилма.

Инсоннинг ҳаёти, роҳати — касб-ҳунар биландир. Замон маишат сармояси, саъй-ҳаракат эса ҳаёт манбаидир. Одам замон соясида саъй-ҳаракат билан яшайди. Замонни саъйи ҳаракатга сарф этмаганлар учун ернинг усти билан ости фарқсиздир.

Кишининг касб-ҳунар ўрганмай беҳуда йўлларда умр ўтказиши айбдир. Донишмандлардан бири айтади:

— Ҳар бир ишда муваффақият ҳаракат ва саъйи ғайрат орқасида ҳосил бўлади. Ялқовлик, ишёқмаслик, ҳалокатга сабаб бўлади. Касб-ҳунари бўлмаган киши тўқ бўлмайди.

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

### Муҳаммад Авфий

# Жавомиъ ул-ҳикоёт

***

Кунлардан бир кун Қубод шикорга чиқди. Шикорда кийик орқасидан қувиб, ўз аскарларидан ажралиб узоққа кетиб қолди. Ҳаво исиб кетди. Чарчаган ва ҳолдан тойган подшо узоқда саҳро ўртасида уч чодирни кўрди. Қубод чодир томон юрди. Чодирга етиб отдан тушди. Эски чодир ичидан бир кампир унга пешвоз чиқди. Кампир Қубодни ичкари киритиб ўтказди. Олдига таом қўйиб меҳмон қилди.

Қубод қорнини тўйғазиб бир оз дам олгандан сўнг, унга уйқу ғалаба қилди. Қубод кечга яқин уйғонди. Кун охирлаб, тун яқинлашган эди. Ниҳоят номозшом бўлди. Бир неча сигирлар ўтлоқдан қайтиб ўз қароргоҳларига келдилар.

Кампирнинг ўн икки ёшли қизчаси бор эди. Ниҳоятда гўзал ва фаросатли, билимдон эди. Кампир қизига буюрди: «Э қизим, ўрнингдан тур ва озроқ сут соғиб кел, токи меҳмоннинг олдига қўяй!»

Қиз сигирларни соғиб, кўп сут келтирди. Бу ҳолни кўриб ўтирган Қубод ажабланди ва фикран «бу жамоат бизнинг адл ва соямизда бу саҳрода ватан қуриб ўтирибдилар ва ҳар куни қанчадан-қанча сут соғиб оладилар. Агар ҳар ҳафтада бир кунлик соғилган сутларни султон хазинасига юбориб турсалар, давлатлари камайиб қолмас. Шунингдек, султонлик хазинаси ҳам фойдаланади», деб ўйлади ва ўзича қарор қилди: «Қубод»дорулмулкка етиб боришим билан бу ҳақда фармон чиқараман».

Тун ўтиб, тонг ота бошлади. Кампир қизини уйғотди ва сигирларни соғиб олишни буюрди. Қиз сигирни соғмоққа киришди ва ногоҳ онасига қараб қичқирди: «Эй она тезроқ юзингни дуога ўгирки, подшоҳнинг нияти зулм қилмоқ бўлибдур».

«Субҳоноллоҳ, — деди Қубод, — менинг андишамни бу қиз қаёқдан билибдур...» Кампир худога нола ва тазарруъ билан ёлвориб илтижо қила бошлади. Қубод кампирни чақириб сўради: «Подшонинг зулм ихтиёр қилганини қаёқдан билдинг?»

— Ҳар куни эртала сигирларимиз кўп сут берарди. Бугун эса сут бермади. Билдимки, подшонинг нияти бузилибди. Шуни билгинки, агар подшо ўз фуқаросига зулм ихтиёр қилса, худованди карим ўша ердан баракани кўтарур. Агар подшо ўз фуқароси фойдасига яхши ният қилса, оллоҳ у ерда беҳад барака инъом қилғай.

— Рост айтадурсан, мен бу ниятимдан қайтдим, — деди Қубод.

Қиз ўрнидан туриб, сигирни қайта соғди ва жуда кўп сут олди.

***

Ривоят қилубдурларки, Ҳинд шаҳарларидан бирида бир заргар яшар эди. Унинг бир ўғли бўлиб, бағоят латиф, хушбичим ва хушхулқ эди. Йигитнинг ниҳоятда гўзал, танноз хотини бор эди. Аммо маккорликда иблис ундан сабоқ оларди.

Кунлардан бир кун заргарнинг уйига иш билан бир йигит келиб, ҳовлида юрган ёш келинчакни кўрди. Йигит унинг ҳусну малоҳатига ва ноз-ишваларига боқиб, лол бўлиб қолди. Келинчакнинг ширинсуханлиги, қиё боқишлари йигит кўксини ўртаган эди. У ишқ-муҳаббат ҳароратига тоб келтира олмай уйига қайтди. Йигит оромини йўқотди, кечалари ухламай тўлғанарди. Қизга етишмоқ йўлини қидирарди. Ниҳоят, йигит бир кампирнинг олдига борди ва ўз дардини баён қилди.

Кампир оламдаги барча қабоҳат ишлари ва қўшмачилиги билан машҳур эди. Йигит кампирдан ўз дардига даво сўради ва унга ҳадялар берди.

Кампир йўлга тушди. У заргарнинг уйига келиб қиз билан кўришди ва бирга ўтириб суҳбатлаша бошлади. Кампир қизга ҳар хил воқеалардан гапиркан, охирида ошиқ йигит ҳақида сўз юритди. Ниҳоят, мақсадга кўчиб, ошиқ йигитнинг талабини айтди. Қиз ўзини жаҳли чиққан қилиб кўрсатди ва хизматкорларига буюрди: «Бу кампирни уринглар ва юзининг ярмига қоракуя суртинглар!»

Хизматкорлар кампирни уриб, юзининг ярмига қоракуя суркаб жўнатдилар. Кампир ноилож уйга қайтиб келди ва воқеани йигитга баён қилди. Йигит оҳ-нолалар билан бекарорлик қиларди. Йигит тўсатдан оҳ-нолани тўхтатиб кампирнинг юзига қаради ва: «Агар қизнинг мақсади сени ҳақоратлаш бўлса эди, юзингни батамом қора қилиб ҳайдарди. Йўқ... Бу ерда бошқа ишоратлар борга ўхшайди. Фикримча, қиз менга ваъда ишорасини берган. Яъни, бундай ойдин кечаларда матлабинг муяссар бўлмайди. Ой шом еган қоронғи кечаларда омбор орқали боққа кирсанг, ўша ерда мен билан учрашурсан, деган бўлади», деди ва кампирга ижозат бериб, қоронғи тушарини кута бошлади.

Ниҳоят, ойдин кечалар тугаб, қоронғи кечалар бошланди. Йигит омбор орқали қизнинг боғига кириб, уни кута бошлади. Келинчак уйғоқ ётарди. Йигитнинг келганини сезгач, у эрининг қўйнидан оҳиста туриб, боғ томон юра бошлади. Бу пайт келинчакнинг қайнотаси заргар уйғоқ эди. Келини ўғлининг қўйнидан чиқиб, боғ томон кетганини кўрди. Заргар ҳайрон бўлди. Ярим кечада ёш нарса боғда нима қилар экан, деган андиша билан секин ўрнидан туриб, келинини таъқиб қила бошлади. Келин боққа кириб ошиғи билан топишди...

Шу пайт заргар оҳиста-оҳиста юриб уларнинг бошига борди. Кўрдики,ҳар иккаласи ҳам ухлабди. Заргар ўзича: «Агар буларни жаҳл устида уйғотсам, йигит менга захм етказиши муқаррардур», деб ўйлади ва ниҳоятда эҳтиёткорлик билан келинининг оёғидаги тақинчоқни ечиб олиб, ўз ўрнига бориб ётди. Келин уйғониб кўрдики оёғидаги ҳалқани қайнотаси олиб кетибди. Келинни бадномликда айблаш учун ҳалқа етарли восита эди. Келин тезда ошиқни уйғотиб, ундан узр сўради ҳамда уни кузатгач, эрининг олдига кирди. Минг хил такаллуфлар билан эрини уйғотиб, деди:

— Баҳор фаслида уйнинг ҳавоси яхши бўлмайди. Баҳор шабадаси ҳар хил муаттар ҳидларни киши димоғига келтиради; кишида ажибхуш табиатликни уйғотади. Тур, боққа кириб роҳатланиб ухлайлик ва баҳор айёмидан баҳраманд бўлайлик.

**(Давоми бор)**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

## «ОНА ЗАМИН САХОВАТИ» АЙЛАНМА СКАНВОРДИ




**Газетанинг шу йил 26 июль сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Энига:** 5. Гемоглобин. 6. Доно. 8. Назм. 10. Қаламча. 22. Барно. 23. Хосса. 26. Нанси. 28. Карбюратор.

**Диагонал бўйича чапга:** 1. Меморандум. 2. Бошоқ. 11. Амаду. 13. Уста. 17. Динго. 18. Рамазон. 19. «Баҳористон». 27. Амал.

**Диагонал бўйича ўнгга:** 3. Домна. 4. Мирзатерак. 9. Янги. 12. «Чайка». 16. Кунгабоқар. 17. Душанба. 18. Равоқ. 24. Сабо.

**Бўйига:** 7. Тайга. 14. Кашта. 15. Айова. 20. Майна. 21. Ванга. 25. Драма.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Эга. 2. Ёқилғи. 3. Ўш. 4. Ҳусн. 5. Батуми. 6. Одил.

**Мақол:** Ҳатто энг баланд тоғ ҳам қуёшни тўсолмас.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари .чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-709. Босмага топшириш вақти 13.15 Топширилди 14.00 1 2 3 4 5 6